

### «ХАМСА»НИНГ МИНГ ЁҒДУСИ...

**Мунисжон Ҳакимов,**

*ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва*

*фольклори институти илмий ходими*

***Аннотация.** Таниқли шоир Омон Матжон Алишер Навоий анъаналарини давом эттириши билан бирга мутафаккир ижодидан чексиз илҳом олди, таъсирланди. Унинг «Минг бир ёғду» достони ана шу илҳом самараси ўлароқ яралган. Мақолада дoston сюжет ва композицион қурилиши, таъсир ва талъин жиҳатидан таҳлилга тортилган.*

***Калит сўзлар:** дoston, таъсир, талъин, лейтмотив, образ, сюжет, воқеалар ривож, кульминация, татаббу, таъсир, анъана, сарлавҳа, байт.*

Адабиётнинг яшаш қонуниятларидан бири анъана ва таъсирнинг давомийлигидир. Бу хусусият сюжет қурилишига ҳам даҳлдор. Ҳеч бир ижодкор йўқки, ўз халқининг оғзаки ижодидан, устозлар асаридан таъсирланиб, гўзал анъаналарини давом эттирмаган бўлса. Шу маънода, буюк сўз заргари Алишер Навоий асарларидан илҳом олмаган, завқланмаган ижодкорни нафақат ўзбек адабиёти, балки туркий адабиёт вакиллари орасидан ҳам топиш мушкул. Навоий анъаналари «энг талантли ёзувчиларнинг ижодида уларнинг дунёқараши, ҳаётни бадиий ўзлаштириши доирасида индивидуал стилларда, ранг-баранг формаларда намоён бўлаверади».<sup>1</sup> Бунда Навоий асарларидаги эзгу ғоялар янгидан жонланди десак, муболаға эмас. Айниқса, ижодкорнинг «Хамса» асарига олимлар билан бир қаторда шоиру адиблар ҳам бирдай мурожаат қилиб келишган. Гоҳ асарнинг барча дostonлари, гоҳ айрим дostonлари, гоҳида эса маълум парчалари таҳлилга тортилган. Етук асар қанча кўп таҳлилга тортилса, унинг янги маъно ва мазмун нозикликлари кишини ёғду таратаётган олмос каби ўзига кўпроқ жалб этади.

Истеъдодли шоир Омон Матжон Навоийни ўзига устоз билиб, унинг бир эмас, бир неча асарларига мурожаат этган. «Аввалгиларга ўхшамас» ғазалига мухаммаси, «Қуш йўли» ва биз таҳлилга тортмоқчи бўлган «Минг бир ёғду» дostonлари шулар жумласидандир.

«Минг бир ёғду» асари, муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, маърифий дostonдир. Лирик асарларда бўлгани каби сюжет линияси яққол намоён бўлмайди. Яъни бадиий асарларда сюжет ташқи ва ички шаклда бўлади. Лирик асарда сюжетнинг ички шакли намоён бўлади. Бунда сюжет мазмун-воқеа бўлмай, мазмун-ҳиссиёт тарзида юзага чиқади.

Шоир «Хамса»даги пурҳикмат ва фалсафий байтлардан таъсирланиб қалам тебратади. Мақсади «шавкатли бобомизнинг минг бир хислатли – минг бир ёғдули бу асарини ташвиқ-тарғиб қилмоқ ва илоҳий истеъдод эгасига яна бир

<sup>1</sup> Ёқубов Х. Навоий ва ўзбек совет адабиёти. Китобда: Навоий ва адабий таъсир масалалари. Т.: Фан, 1968, 52-б.

бор таъзим қилмоқдир».<sup>2</sup> Ижодкор буюк «Хамса»да халқнинг ўтмиши, бугуни ва тақдирини кўради. Ҳар қачонгидан-да зарур бўлган миллатлар, халқлар дўстлигини туяди. Улуғ пирнинг бу асарида адолатли ва фаровон жамият учун зарур бўлган кўрсатмаларнинг барчаси мужассам. Асарнинг кириши – экспозициясида шоир бизни «Хамса» мутоаласига чорлайди:

*Пиринг ким? Билмадим.*

*Мен сўз айтурман*

*«Хамса» билан ўлчаб халқимнинг қонин,*

*Беш юз йил ўзбекдай чўнг бир халққа у*

*Қутлуғ дастур бўлди, Асосий қонун!»<sup>3</sup>*

Бунда шоир «Қутлуғ дастур» – «Асосий қонун»ни «ташвиқ-тарғиб қилмоқ» мақсади ила «Хамса»даги мавзу ва ғоядан келиб чиқиб сўз юритишини маълум қилади. Филология фанлари доктори Н.Комиловнинг эътирофи бўйича: «Минг бир ёғду» муаллифи ўзбек адабиётидагина эмас, балки бошқа халқларда ҳам намунаси кам учрайдиган усул – илгаридан маълум ва машҳур асарнинг маъно-мазмунидан тўлқинланиб, фикр ва ҳисни чақнатиб, янги замонавий ғояларни тараннум этиш ва айни вақтда ўша машҳур асар ғояларининг буюк замонавий қудратини очиб кўрсатиш усулини танлаб, дуруст натижага эришган».<sup>4</sup>

Биз дostonдаги бандлар, «Хамса»дан олинган байтлар сони ва ҳажмини аниқлаб чиқдик. Муаллиф изоҳи (экспозиция) ва 203 қисмдан иборат асарда «Хамса»дан жами 864 мисра олинган. Жумладан, 54 та 1 байтли, 94 та 2 байтли, 37 та 3 байтли, 13 та 4 байтли, 4 та 5 байтли, 1 та 7 байтли иқтибос муаллиф фикр юритган мавзуларнинг навоиёна хулосаси сифатида хизмат қилади.<sup>5</sup> Яъни дostonнинг асосий сюжети устига моҳиятни теранроқ ёритиш учун 203 марта кичик сюжетлар қурилган.

«Бу олий фазилатли одам ким?» деб номланган биринчи банд бутун асар учун гўё асос – тугун вазифасини ўтайди. Унда муаллиф ўқувчини пешонасига «нажиб ранглар» билан тушаётган сирли нурнинг манзили томон етаклайди, яъни бугуннинг ўқувчисини мозийга чорлайди. Бу нур «маданиятимизнинг ойинайи жаҳонномаси» – қуёш янглиғ «Хамса»дан таралмоқдадир. Дostonнинг бош тугуни ўқувчини асарни ўқишда давом этишга чорлайди: китобхон илғамаган не сирларни шоирнинг бадий тафаккури кашф этди экан?

<sup>2</sup> Матжон О. Минг бир ёғду. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 47-б. (Шу манбадан олинган кейинги матний парчалар саҳифаси қавсда кўрсатилади.)

<sup>3</sup> Матжон О. Иймон ёғдуси. Т.: Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 318-б.

<sup>4</sup> Комилов Н. Сўнмас ёғдулар. ЎзАС, 1990, 16 ноябрь.

<sup>5</sup> Ушбу маълумотлар дostonнинг 1989 йилги нашрига таянган ҳолда берилди. 2017 йилги нашр (Тошкент: Ўзбекистон)да 2 та банд тушириб қолдирилганлиги боис келтирилган рақамлар ўзгаради.

«Минг бир ёғду» достони таркибидаги бандларни (воқеалар ривожини) шартли тарзда уч қисмга бўлиш мумкин: 1. Сарлавҳа; 2. Насрий шеър шаклидаги муаллиф қаламига мансуб қисм; 3. «Хамса»дан олинган иқтибос. Ички кечинма тарзида намоён бўлувчи воқелар ривожини шу тарзда ички таркибга ажралади, яъни сарлавҳа – кичик тугун; муаллиф қаламига мансуб қисм – воқеалар ривожини; иқтибос – кичик ечим.

Сарлавҳалар сюжет унсури бўлганлиги сабабли шоир уларга бир неча вазифа юклайди:

1. Сарлавҳа байт ва «Хамса» мазмунидан келиб чиққан ҳолда танланади. Масалан, «Хамса»даги:

*Ким, бўлса табиати<sup>6</sup> муолиж,  
Жисмидин этар маразни хориж.*

*Заъф ичра табиат ўлса мушфиқ,  
Беҳроқки туман табиби ҳозиқ!<sup>7</sup>*

мисраларида фикр дард, шифо, табиб ҳақида. Муаллиф шундан келиб чиқиб бу бандга «Доно табиб» дея сарлавҳа қўяди. Аммо сарлавҳалар номигагина бўлмай, мажозий характерга – тағмаънога эгаллиги билан дostonнинг бадиий қимматини оширган. Бу бандда шоирни ўйлантиргани жисмоний соғлиқ эмас:

*Ҳаётда ўзининг нимага вакил ва масъул эканини  
билмовчилар –  
жсамиятнинг хасталиги! (88-б.)*

Жисмоний соғлиқ ҳақида фикр борганда шеър у қадар оҳорли бўлмасди.

2. «Ҳар бир банднинг биринчи мисраси ҳам сарлавҳа, ҳам банднинг биринчи сатри бўлиб келади».<sup>8</sup> Аммо айрим бандларда сарлавҳа биринчи мисранинг дастлабки қисминигина ташкил этади. «БОЛАЖОНЛИ ОТА фарзандининг», «КАШФИЁТЧИЛАР ПИРИ ҳар бир фаслдан» (69-б.) каби ўринларда тўлиқ мисрага сарлавҳа сифатида қаралса, бадиият йўқолади. Шунинг учун муаллиф сарлавҳани бош ҳарфларда ажратишни маъқул кўрган.

3. Барча сарлавҳалар – кичик тугунлар Навоий сиймоси орқали ягона сюжет чизиғига бирлаштирилган. Биринчи банддаги «Бу олий фазилатли одам ким?» деб номланган савол-сарлавҳа – бош тугунга кейинги сарлавҳаларнинг деярли барчаси ўзига хос жавобдир. Масалан, «Юракларни йўлга, янгиликка ундовчи» (2-банд<sup>9</sup>; 49-б.), «Ўрта ва барча асрлар маърифатчиси» (3-банд; 49-б.),

<sup>6</sup> «Минг бир ёғду» достонида бу сўз техник хато билан «табиатни» тарзида қўлланган (88-б.).

<sup>7</sup> Навоий А. Тўла асарлар тўплами. X жилдлик. VII жилд. Т.: Ф.Фуллом номидаги НМИУ, 2011, 62-б.

<sup>8</sup> Аҳмедов Х. Ўзбек адабиётида насрий шеър. Филол. ф.н. ...дисс.авт. Т., 1995. 16-б.

<sup>9</sup> Асар бандлари 1989 йилги нашрга таянган ҳола шартли равишда рақамланди.

«Халқпарвар сиймо» (35-банд; 64-б.), «Шоҳлар сиёсатининг найрангларида хабардор сиймо» (63-банд; 78-б.), «Ишқий мактублар мирзаси» (87-банд; 85-б.), «Халқнинг ғамнок бастакори, ҳофизи» (96-банд; 94-б.), «Аёллар юлдузини баланд эта олган шоир» (99-банд; 96-б.), «Тождорларнинг карам ва илтифотларидан қўл силтаган зот» (124-банд; 108-б.) в. х.

4. Ягона сюжетга боғланишдан ташқари ҳар бир сарлавҳа ўзи тегишли бўлган банднинг мавзусини белгилаб беради, яъни воқеалар ривожини юритувчи кичик воқеаларга олиб кирувчи экспозиция бўлиб келади.

5. Сарлавҳага ўқувчи этиборини жалб қилиш мақсадида ўзи тегиш бўлган банднинг очқич калити (туғуни) вазифаси ҳам юклатилган.

Сарлавҳалар борасида саналган фикрларга бўйсунмайдиган, ёки номигагина сарлавҳага чиқарилган сатрлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, «Раҳбарлик риёсати ва сиёсатидан» (177-банд, 136-б.), «Ўзгалар ғамига ҳамдард ҳамшира!» (91-банд, 143-б.) каби сарлавҳалар савол-сарлавҳага жавоб бўлмади ва Навоий образига бирлашмайди. Бунга асарнинг қусури сифатида қараш ўринли эмас. Лирик асарларларда (базан бошқа турларда ҳам) сюжетнинг барча унсурлари тўлиқ намоён бўлавермайди. Қолаверса, дostonдаги бош тугун кичик воқеалар учун ҳам тугун вазифасини ўтайди. Сарлавҳа воқеалар ривожини сифатида қолади.

Сарлавҳаларнинг санаб ўтилган жиҳатларига эътибор берилса, у сюжетнинг унсури сифатида қатъий позицияга эга эмас. Яъни сарлавҳа гоҳ тугун, гоҳ экспозиция, гоҳ воқеа ривожини тарзида кўринади ёки ҳар учала унсур хусусиятини намоён этади. Бу лирик асарга хос хусусият. Яъни «Лирик сюжетда ҳам экспозиция, тугун, ривож, кулминация ва ечим бор, бироқ аниқ у ё бу шеърда бу унсурлардан айримлари бўлмаслиги ёки қўшилиб келиши мумкин»<sup>10</sup>.

Муаллиф қаламига мансуб қисм насрий шеър шаклида. Бу қисм кичик воқеалар ривожини. «Шарҳ баёнида шоир ўзининг поэтик маҳоратини намоён этган: гўзал ташбеҳлар, сўз ўйинлари, сўз танлаш ва қўллаш маҳорати буюк «Хамса»нинг шукуҳи, қудратини тегишлича бадиий тафсир этиш кўзлангандек чиққан».<sup>11</sup> Шу сабабдан асар ваъзхонликдан йироқ, мароқли. Насрий шеърдаги тантанавор руҳ умумбашарий муаммолардан сўзлаётган байтлар билан ҳамоҳанг бўлиб ўқувчи шуурини жумбушга келтиради:

*ЮРАКЛАРНИ ЙЎЛГА, ЯНГИЛИККА УНДОВЧИ*

*«Туртки»нинг туб манбалри не?!*

*Юракнинг илоҳий нурга Интилишини,*

*Хоҳишни нима тугдиради?!*

<sup>10</sup> Адабий турлар ва жанрлар. Т.: Фан, 1992. 43-б.

<sup>11</sup> Аҳмедов Х. Кўрсатилган манба. 16-б.

*Бу – элнинг бахт, олий мақсад сари интилишидан  
Пайдо бўлган қудратли оҳанрабо!*

*Бу умрнинг ўз мангу муסיқасига интилиши!*

*Гул атрини сабо шиддати маишхур этди.*

*Харакат – қўрқинчни, ҳадикни енгувчи!*

*Истабон, эй хаста Навоий, наво,*

*Бўйли сафарга қилур эрсанг ҳаво,*

*Йўл ёмонлигу яхшисидин ема гам,*

*Бисмиллоҳ дегилу қўйгил қадам! (49-б.)*

Яъни Омон Матжон улуғ донишманд билан 203 марта мана шундай маърифий мулоқот қилади – воқеаларни ривожлантиради. Профессор Н.Комилов: «Буни шарҳ-интерпретация ёки бадий конспект ёхуд дарддошликнинг шоирона изҳори, ўзига хос татаббуъ»<sup>12</sup>, – дея баҳолайди. Мумтоз шеърий анъаналарга кўра татаббуъ, яъни назирада вазн ва қофиялар сақланиб салафлардан олинган шеърий парча банд бошида келиши лозим. Лекин анъана «пассив такрорлаб қўя қолиш эмас, ...бу жараёнда ёзувчининг дунёқараши, билим доираси, ҳаётий малакаси, фантазияси иштирок»<sup>13</sup> этиши билан муҳим. Ҳатто Навоий ҳам ўз «Хамса»сини салафлари асарларига татаббуъ деганда бу тушунча кенг маъно касб этганлиги кузатилган.

«Хамса» байтларининг бандлар охирида қўлланиши мумтоз адабиётдаги ривоят, масал каби насрий асарлар байт, қитъа, рубоий ўлароқ шеърий жанрлар билан хулосаланишига эшдир. «Минг бир ёғду»ни «Хамса»дан олинган байтларсиз тасаввур этиш мумкин эмас, албатта. Чунки бу байтлар дostonдаги хар бир воқеанинг кичик ечими.

Омон Матжон насрий шеърга хос бўлган анафоралар, такрорлардан ҳам унумли фойдаланган:

**Вақт** – йиллар, ойлар, кунлар эмас!

**Вақт** – элга хизматда бўлган давринг!

**Вақт** – умрингнинг Ватанинг мазмунига қўшилиши!

**Вақт** – замон харитасига юрагинг нуқтасини  
тушира олганинг! (140-б. Таъкидлар бизники – Ҳ.М.)

Мислардаги анафоралар урғуни вақт тушунчасига қаратиб, унинг моҳиятини очиб беришга, воқелар ривожини изчиллаштиришга хизмат қилган. Фалсафий хулосалар, шоирона ташбеҳлар воситасида изоҳланган вақт тушунчаси ўқувчи шуурида ўрнашиб қолади. Вақт, умрнинг бевафолиги ҳақида барча даврларда ҳам куйланган. Мана улардан бири:

<sup>12</sup> Комилов Н. Кўрсатилган манба.

<sup>13</sup> Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемаси. Т., Фан, 1965, 14-б.

*Карвони умрга боқ, чунун ўтгусидир,  
Ҳар лаҳза тараб айлаки, кун ўтгусидир.  
Соқий, чекаверма кўп қиёмат гамини,  
Сун менга пиёланики, тун ўтгусидир...*<sup>14</sup>

Рубойи Умар Хайёмники. Унда қисқа фурсатда ўтгувчи умрни беҳудага сарфламаслик, ундан унумли фойдаланиш ҳақида сўз боради.

Омон Матжон сатрларида эса вақт беҳуда ўтган кунлар эмас, умрнинг халққа, ватанга фойдаси тегадиган қисми. Вақт «замон харитаси»да, яъни тарихда «юрак нуқтаси» – кўнгил майли билан қилинган амалнинг муҳрланиши. «Ўзига хос татаббуъ» дея изоҳланган «Минг бир ёғду» асарининг ушбу парчасини насрий шеърдаги рубойи дейиш мумкин.

Шунингдек, «ҳар бир бандда фикрнинг таъсирчанлигини ошириш учун ундов, сўроқ, пичинг, гоҳ киноя оҳанглари бўрттириб, таъкидлаб тасвирланади»<sup>15</sup>. Яъни шоир воқеалар ривожини жадаллаштириш, сюжетни таъсирчан қилиш учун лирикага хос бўлган шаклий унсурлардан ўринли фойдаланган. Масалан, узокни кўролмайдиган, шахсий фикрига эга булмаган, калтафаҳм кимсалар фақат буйруқларга қараб иш юритади. Жамиятга бундайларнинг фойдасидан зарари кўпроқ тегади, деган хулосани шоир образли қилиб, кинояюмуз ифодалаганда унинг таъсири анча кучайган:

*... Аммо анави буйруқбозлар, олам надир – осмон надир,  
ўз каталагидан нарини кўролмайдиган кимсалар-чи?!  
Калласига келганини қонун қилиб  
шуни бажаришига ҳаммани мажбур қилиб  
тургувчилар-чи?!  
Одамлар жамоаси булардан  
жаҳон урушларидагидан ҳам кўпроқ азият чекди-ёв!  
Турли қушларга, уларнинг қанотларига,  
ҳатто тухумга  
ҳайкаллар бор!  
Катакдаги товуқ қанотига ҳам  
«ёдгорлик» қўйинг! (128-б.)*

Бошқа турларда бўлгани каби лирик асарларда ҳам образ – қаҳрамон ички воқеаларни (кечинмаларни) ўзи билан олиб юради. «Минг бир ёғду» достонининг лирик қаҳрамони муаллиф «мен»и билан бир бўлиб намоён бўлади. Баъзан «Хамса»даги сайлаб олинган байтларни шоирона тавсифлаш асносида Навоий сиймоси ё таърифланади, ёки мажозий маънода мутафаккир

<sup>14</sup> 333 рубойи. Тарж. Жамол Камол. Т.: Мусиқа, 2007, 7-б.

<sup>15</sup> Аҳмедов Ҳ. Ўзбек адабиётида насрий шеър. Филол.ф.н ...дисс. Т., 1995.87-б.

тилидан нутқ сўзланади. Навоий идеаллари билан бир қаторда улў мутафаккирнинг ўзи ҳам Омон Матжоннинг идеали сифатида гавдаланади. Шоир «ўз идеалларини ифода этиш учун бевосита тарихда яшаб ўтган, ўзбек халқи учун идеалга айланган, ҳатто дунё миқёсида тан олинган аждодлари шахсияти ва фаолиятига мурожаат этади»<sup>16</sup>.

Омон Матжон қаламига мансуб сатрлардан сўнг «Хамса» байтларининг келтирилиши натижасида, орадаги 5 асрлик вақтга қарамай, Навоий бугуннинг дарду ташвишларини, орзу-армонларини куйлагандек бўлади. Яъни «Минг бир ёғду» муаллифи «ўтмишга мурожаат этиб, Навоий сатрларини публицистик тил билан шарҳлар экан, шу билан бирга бугунги дардларни изҳор этиш, ўз қарашларини сингдириш йўлини ҳам топган»<sup>17</sup>.

«Хамса»да Мажнуннинг дўсти Навфал севишганларни бирлаштириш мақсадида Лайлининг отасига қарши юриш қилади. Лайлининг отаси жангда кучсизлана бошлагач қизини – Лайлини ўлдириб рақибни ғафлатда қолдирмоқчи. Бу хабардан Мажнун Лайли билан тушида суҳбатлашиб огоҳ бўлади ва ўз севгилисини асраб қолиш мақсадида «оҳ тортиб дўсти Навфални кераксиз савашдан тўхтатади»:

– *Кин ёйин иликдин айлагил йўқ,*

*Ким, жонима тегмагай менинг ўқ!*<sup>18</sup>

«Минг бир ёғду» лирик қаҳрамонининг қалбини азоблагани эса бугунги кунда дўст ва қардош халқлар орасига нифоқ солиб беҳуда қон тўкишлардир. Шунинг учун байт олдидан: «XX аср жаҳонгирлари ҳам оз-моз ошиқ бўлсалар эди...»(89-б.) – дея изоҳ киритади. Чунки ошиқ – ишқ соҳиби. Ишқ – қалб олови. Инсоният бошига келаётган балоларга, адолатсизликларга оловқалблар эмас, бағритошлар – ишқсизлар сабабчи. «Омон Матжон шеъриятида курашчанлик руҳи ниҳоятда кучли. Бу руҳ – давр берган руҳ. Жамиятни адолатсизлик қурбонига айлантириш хавфини туғдираётган ноҳақликларга қарши шеърият қалбига кирган исён руҳи».<sup>19</sup> Шоир лирик қаҳрамони инсон шахсидаги қусурлар: қўрқоқлик, майдакашлик кабиларга нисбатан ҳам исёнкор. «Мен бир кичкина одамман, тепадагилар ҳал қилсин буни!!!» Қонунда, қарорда йўқ... дейдиган қултабиат кишилар шу тариқа ўз «кичик»лигини ўз пешоналарига абад босадилар, қонунлаштирадилар!» (115-б.) Шўро даврида битилган бу мисраларда шоир қулоқ қилишлар, қатағонлар, «қама-қама»лар жамиятни шу ҳолга олиб келганлигидан шикоят қиляпти. Бироқ юртимиз мустақил булганидан сўнг ҳам орадан 30 йилдан ошиқ вақт ўтди.

<sup>16</sup> Панаева Ў. Ҳозирги ўзбек шеъриятида тарихийлақ концепцияси. Филол.ф.н. ...дисс. авт. Т., 2005. 15-б.

<sup>17</sup> Комилов Н. Кўрсатилган манба.

<sup>18</sup> Навоий А. Кўрсатилган манба. VII жилд. 149-б.

<sup>19</sup> Жумабоева Ж. Эл билса бўлди. Т.: Истиклол, 2018, 72-б.

Жамиятимизни бугун ҳам бу иллатдан холи деб айта олмаймиз. Муаллиф ўз фикрларини хулосалаш учун бу бандда «Хамса»дан икки байт – ечимни келтиради:

*Навоий, ажаб ерга етмиш сўзунг,  
Не элдуру булар, худ билурсен ўзунг!<sup>20</sup>*

*Жаҳондорларни жаҳон қилса наст,  
Тона олмагайму гадоларга даст?!<sup>21</sup>*

Эътиборлиси, «Садди Искандарий»дан олинган байтлар бир ерда, кетма-кет келмайди: биринчи байт XI бобнинг соқийга мурожаатида, иккинчи байт XII бобнинг шундай мурожаат қисмида учрайди. Ечим-байтларни Омон Матжон соқийга мурожаат қисмидан танлаши бежиз эмас. Чунки соқийнома мазмунидаги байтлар Навоийнинг «инсоний фазилатларни улуғлаб айтган фикрлари, ғоялари, орзу-интилишлари ҳамда ҳаётий хулосаларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. ...ўқувчи Навоий шахсиятига ўзгача бир яқинликни ҳис этади»<sup>22</sup>. Байтларнинг асарнинг турли ўринларидан сайлаб олинганлиги эса «Минг бир ёғду» достонининг маъно кўлами ва таъсирчанлигини оширган. Яъни бу байтлар шунчаки ечим эмас, балки тафаккур қилишга ундовчи хулосавий ечимдир.

Достондаги айрим бандлар бевосита «Хамса»даги муайян воқеага ишора қилади:

*Хисрав Фарҳодни саргардонликда ўлдирди,  
Фарҳод юрагини жунбушга солган Ишқ исёни,  
афсус, Хисравга қарши қўзғолонга айланмади, (82-б.) –*

каби мисралар моҳиятини «Хамса» мазмунисиз англаш бир қадар мушкул. Бироқ достонда шундай бандлар ҳам боки, улар тўла маънода муаллифнинг қалб нидоларини ифодалаб, Навоий сўзи билан асосланади. Яъни мутафаккир Алишер Навоий «буюк «Хамса»сида жумбоқларнинг деярлик барчасига аниқ ва лўнда жавобни беш юз йил бурун тайёр қилиб қўйибди».(47-б.) Омон Матжон эса навоиёна ечим устига ҳиссий воқеалар ривожини қурган. «Фарҳод ва Ширин» достонининг 44-бобида Шопурнинг дўсти Фарҳод тириклиги хабарини Ширинга етказиш воқеаси тасвирланган. Фарҳоднинг тириклигидан беҳабар хастаҳол Ширин Шопурнинг ёлғиз келганлигини англагач:

*Рафиқу ёрлиқ мундоқ бўлурми?!  
Амонатдорлиқ мундоқ бўлурми?!<sup>23</sup>*

<sup>20</sup> Навоий А. Кўрсатилган манба. VIII жилд. 71-б.

<sup>21</sup> Навоий А. Кўрсатилган манба. VIII жилд. 73-б.

<sup>22</sup> Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома. Т.: Турон-Иқбол, 2017, 122-б.

<sup>23</sup> Алишер Навоий. Кўрсатилган манба. VI жилд, 630-б.

дея унга арз қилади. Ушбу байт агар «Хамса» таркибида ўқилганда ўқувчи кўз ўнгида, асосан, Шириннинг изтиробли ҳолати гавдаланади. Синчиков шоир ечим-байтга янгича маъно юклайди. Мазмун қуйидагича: дўстлар бир-бирини бошга иш тушганда ёлғиз ташлаб кетмайди. Агар бегоналаша бошласа, буни унга тушунтириш керак. Сохта дўст ташвишли кунда сенга қарамайди. Мана шу сийқаси чиқиб кетган мазмун шоир ифодасида оҳорли ва бетакрор. Шоир шеърда бегоналашаётган дўстга шунчаки тушунтирмайди, ҳайқиради – исён қилади:

*Дўст бегоналик сифатларини зоҳир эта бошласа,  
таажжуб билан ҳайқирмайдиларми? (80-б.)*

Парчадан англаш мумкинки, лириканинг кечинма-воқеаси ҳам насрдаги воқеалар ривожидек ўқувчини ўзига қизиқтиради, мушоҳадага чорлайди.

У сохта дўстликни кесатиш ва янгича ўхшатишлар билан ифолайдики, ҳеч қандай мўйқалам ва бўёқларсиз кўз ўнгимизда моҳир рассомларники каби ажойиб манзара гавдаланади. Аянчли тасвир ўқувчи юзида ачинарли табассумни ҳосил қилиши табиий, чунки «сатиранинг тиғи зимдан ҳаракатда»<sup>24</sup>:

*Кўллар бир-бирига узатилади.  
Кўллар энди бир-бирига тегар пайти  
«дўст» биргина лаҳза четга –  
бошқа нимагадир чалғиди...  
«Кўлқоп» билан кўришилди!» (80-б.)*

Сўз билан чизилган сурат (воқеалар ривожини) фақатгина маиший маънодаги икки инсон ўртасидаги муносабат эмас, балки халқлар, элатларни бирлаштираман деб, аслида, ўзининг ғаразли мақсади йўлида инсоният бошига турли балоларни келтираётган дипломатиянинг сурати, ҳақиқий дўстни сохтасидан ажратиб олишга қилинган даъватнинг сурати. Бир лаҳза бўлса ҳам безътибор бўлмаслик, ҳамиша огоҳ бўлишни талаб этаётган глобаллашув ортидан кириб келаётган вазиятнинг сурати, десак асло муболаға эмас.

Шеърда ўзига хос маъно ташувчи сўзлардан бири «кўлқоп»дир. Шоир уни қўштирноқда қўллаган. Чунки у мажозий маънода. «Кўлқоп» – ишонган инсонни алдаш, носамимийлик, бир қўлида гул тутиб, наригисида тикан яшириб турган сохталикка ишора. Яъни бандда акс этган кичик сюжет мажозий аҳамият касб этган.

Навойнинг бутун ижодида бўлгани каби «Хамса»да ҳам куйланган бош мавзулардан бири ишқдир:

*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,*

<sup>24</sup> Жумабоева Ж. Кўрсатилган манба, Ўша бет.

*Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.*

*Ишқ ул танки, анинг жони йўқ,  
Хусни нетсун кишиким они йўқ...<sup>25</sup>*

Мутафаккирга кўра, жамики борликни ҳаракатга келтирувчи куч – Ишқдидир. У инсонни яшашага, келажакка ундайди. Шунинг учун лирик қаҳрамон ўз идеали – «МУҲАББАТНИНГ БЕДОР КУЙЧИСИ» Навоийни афсунгар деб атайди. У ишқ туфайли шеърият осмонига кўтарилди, «Хамса»ни яратди. Бир-биридан айро ошиқларни бирлаштирувчи ҳам, яқинларни ҳижронда қолдиргувчи ҳам Ишқ.

*Қодирлик туйғуси ҳам муҳаббатдан!*

*Балки бу оламнинг ижодкори,  
муаллифи ҳам Ишқдир! (54-55-б.)*

«Навоий мисралари яна кў-ўп маъноларга чорлаётганини илғайсиз, лекин шоиримиз фикри шуларнинг бири, балки сараси эканига имон келтирасиз».<sup>26</sup>

Илғор ғоялари билан бирга Навоийнинг шахсияти ҳам куйланган бу каби ўринларда лирик қаҳрамон мутафаккир образи билан бирлашиб кетади. Воқеаларни биргаликда олиб юради. Чунки Алишер Навоий фақатгина асарларида илгари сурилган ўлмас ғоялар билан эмас, балки ҳаёти мобайнида мазлумлар ғам-ташвишларига шерик бўлиб, ночор ва юпунларга ҳомий сифатида қилган эзгу амаллари билан ҳам ўрناق бўларли шахс эди. Шунинг учун Омон Матжон ижодида «реал асоси (прототипи) умумбашарий фаолият билан йўғрилган тарихий образлар, поэтик жиҳатдан ҳам умумбашарий моҳият касб этади»<sup>27</sup>.

«Минг бир ёғду» достонида жамият, миллат, эрк, адолат, давлат, тил, миллийлик, ғурур, ота-она, фарзанд тарбияси, илм-маърифат, дунёнинг ўткинчилиги, диёнат, бирдамлик, ростгўйлик, дўстлик, муҳаббат каби турли масалаларда фикр юритилади. Булар анъанавий мавзуларнинг замонавий ифодаси албатта. Асарда қайси мазуда қалам юритилмасин, «ҳикмат бўлиб жаранглаган сарлавҳалар, донишманд инсон насиҳатлари тарзида келадиган жумласозлик оҳанги»<sup>28</sup> Алишер Навоийнинг буюклик кўламини кўрсатиш баробарида

*Кўлингдан кетган жой – ганимникидур!*

*Илқингдан қочган вақт – ўлимникидур! (116-б.)*

<sup>25</sup> Навоий А. Кўрсатилган манба. VI жилд, 166-б.

<sup>26</sup> Мели С. Сўзу сўз. Т.: Шарқ, 2020, 280-б.

<sup>27</sup> Панаева Ў. Кўрсатилган манба, 22-б.

<sup>28</sup> Комилов Н. Кўрсатилган манба.

каби фард янглиғ қуйма сатрлар муаллиф дунёқарашининг сарҳадларини ҳам белгилаб беради. Зеро «Қилни қирқ ёрган киши бир ҳикмат айтса, қирқ маъно чиқади» (58-б.).

Достондаги воқеалар ривожда асосан, Шахс камолоти, тафаккури, одоб ва ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Унинг кулминациясида эса Ватан равнақи, миллатлараро тотувлик, жамият ва халқ дардига кенг ўрин берилган. «Ўз ватанида мақсадига етолмаган киши», «Икки йўқлик орасидаги меъмор», «Ўз Ватанини севувчи», «Зобит шоҳларни яна огоҳ этган зот», «Онани тождек бошга кўтарган шоҳ!», «Ёшларни давлат ишларига фаол ундаган устоз», «Эл назари тегиб олий мақомга кўтарилган зот!», «Оламда бирон иш яширин қолмаслигини билган» каби мансура бандларга, банднинг кичик сюжетида ташқари, ана шу кулминацион юк ортилган, назаримизда. Улардан бирининг матнини сюжет унсурлари асосида таҳлил қилиш учун тўлиқ келтирамиз:

### *ОНАНИ ТОЖДЕК БОШГА КЎТАРГАН ШОҲ!*

*Онасини севмаган жонлар*

*ўз болаларининг тақдирини қайғурармикан?!*

*Жаҳонда бирон-бир она*

*«ўзга миллатлар оналарини йиғлатиб,*

*бахтингни топ, болам»*

*дермикан ўз фарзандига?*

*Уларнинг тилини, динини, одатларини йўқот дермикан?*

*Балки у шундай деганда ҳам*

*бундан топган бахти қанчага бораркан?*

*Отабезор, онабезор тоифа, умуман,*

*қорни тўядиган томонга оғиб кетаверадиганлар*

*одамзод учун хатарли махлуқлардир.*

*Отасини-онасини, туққан ерини азиз*

*тутмайдиганлар учун*

*оламда азиз бирор нарса бўларми ўзи?!*

*Искандарнинг олам забти деб босган йўлларининг*

*бошимиз она пойига эгилгунчалик, етгунчалик қиймати,*

*маъноси борми?*

*«Будур сўзки, кўп фурқатинг истадим,*

*Йироқлиқ била меҳнатинг истадим.*

*Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,*

*Қабул айласам эрди қуллуқ санга.*

*Санга айлабон хоки даргоҳлиқ,*

*Анинг отин айтсам эди шоҳлиқ...» (149-б.)*

Банд сарлавҳасига муаллиф бир неча вазифаларни юклаганлигини юқорида айтиб ўтгандик. Келтирилган айни сарлавҳа ҳам экспозиция ҳам тугундир. У китобхонни гап нима ҳақида эканлиги билан таништиради ва, оқибатда, гап онани эозлаш борасида бўлиши аёнлашади. Яъни ўқувчини шу муҳитга олиб киради. Бу унинг экспозицияга хос аломатидир. Шу билан бирга мазкур сарлавҳа бизнинг олдимизга «Ким экан у шоҳ?», «нега у онани бошига тождек кўтарибди?» деган саволларни қўяди. Бу унинг тугунга хос белгисидир.

Матндаги кетма-кет келтирилган риторик сўроқлар кичик воқеалар ривожини ўлароқ Искандарнинг бутун умр эгаллаган юртларию бойликлари онанинг хоки пойича қадрли эмас деган кичик кулминацион фикрга томон изчиллашиб боради.

Кичик ечим сифатида эса Навоий байтлари келтирилади. «Садди Искандарий»нинг LXXX бобидан олинган мазкур байтлар Искандарнинг ўлими олдида онасига ёзган мактубидаги дил сўзлари. Омон Матжон тилидан айтилганда улар лирик қаҳрамонининг таърифу тавсифларсиз руҳий ҳолатини ифодалаган. Ўз навбатида китобхонни сабоқ чиқаришга ундаган.

Умуман, Омон Матжон ижодида тарих ва тарихий шахслар мавзуси кенг ўрин тутди. Шоир шеърятининг тадқиқотчиси, филология фанлари доктори Ж. Жумабоевага кўра: «Омон Матжон лирик қаҳрамонининг тарихга мурожаати замирида бугуннинг муаммолари ечимини ахтариш, даврнинг фоже ҳодисалари ҳақида қайғуриш, яхши келажак учун кураш туйғулари ниҳоятда теран»<sup>29</sup>. Бир қанча шеърлари, «Паҳлавон Маҳмуд», «Беруний», «Хоразмийнинг тўрт саёҳати ва саккиз башорати», «Шайх Нажмиддин Кубро», «Халоскор руҳ», «Дравахоним», «Ардахива» каби достон, драма ва қиссалари ижодкор қиёфасини тарихчи-шоир сифатида намоён эта олади. Айни пайтда тарихий мавзудаги лирик асарлари сюжети ҳам тарихий воқеликка мувофиқ бўлиши лозим. Унинг асарларидаги сюжет мантикий-фалсафий асослар, тарихий далиллар билан бойитилган. Чунки, «тарихни тўғри таҳлил этувчи яхши билади: Миллат тақдирида шахслар нечук хизмат этади!» (84-б.)

Шу сабадан Омон Матжон ҳам бутун миллат учун сув ва ҳаводек зарур бўлган, ғурур ва ифтихор асоси ҳисобланган, ҳеч кимга ишониб бўлмайдиган МУСТАҚИЛЛИКни маънавиятимизнинг йўлчи юлдузи бўлмиш Алишер Навоийга ишонади. Одил шоҳ ва адолатли замонани мутафаккир асарлари билан қуришга умид қилади:

*Қара, оч, варақла, «Хамса» саҳифаларини!*

*Алишер Навоий ўзи табрикламаяптими*

*Тур, уйгон, ўзингни ростла, қулоқликдан қутул,*

<sup>29</sup> Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърятинида психологик тасвир маҳорати. Т.: Фан, 2004, 189-б.


*Чин янгилашиш, ошкоралик замони келди деб!*

*Ўзинг танла, сайла энди*

*Эрк, Адолат, Мустақиллик, Тенглик, Дўстлик, Тинчлик  
номли шоҳларни! (150-151-б.)*

Бу сатрлардаги нафасда совет ҳокимиятининг сўнгги, мустақилликнинг илк кунларидаги ҳарорат уфуриб турибди. Уни халқнинг асрий орзулари, армонлари билан ёнган шоирнинг исёни ўлароқ қабул қилиш жоиздир. Унда лирик қаҳрамон Навоий истаганидек «Эрк, Адолат, Мустақиллик, Тенглик, Дўстлик, Тинчлик» асосига қурилган давлатни орзу қилади. Бу давлатни эса маърифатли, маънавиятли, ўзлигини ангалаган жамият қуради. Кўринадикки, мустақиллик остонаси ва ундан кейинги давр лирикаси сюжетда Навоий образи эрк, адолат, озодлик ва тенглик тимсоли сифатида бўй кўрсатди.

Достоннинг умумий ечими сифатида биринчи банддаги «Бу олий фазилатли одам ким?» тугун сарлавҳага мукамал жавоб бўлувчи энг сўнгги «Ўзбек халқининг отаси» қисми келтирилган. Ўз халқининг фарзандлари Алишердек бўлишини истаган муаллиф бую мутафаккирган қуйидаги фазилатларни боғлайди:



Шоир ушбу ечим-банднинг ечими сифатида Навоийнинг гуманизм, адолат, яхшилик, давроннинг ўткинчилиги каби ғоялар билан йўғрилган байтларини қўллайди:

*Адолат била элни қил баҳраманд*

*Ки, яхшига кетсун ёмондин газанд.*

*Навосиз улуснинг навобахши бўл,  
Навоий ёмон бўлса сен яхши бўл.*

*Чу давронга йўқтур бақоу сабот,  
Ҳам андин эрур бевафороқ ҳаёт.*

*Мен ар бўлсаму бўлмасам ошкор,  
Бу сўзларни қўйдум санга ёдгор.*

Хуллас, буюк «Хамса» каби Омон Матжоннинг «Минг бир ёғду» маърифий достони ҳам эрк, адолат, озодлик, ғурур, миллийлик, маърифатпарварлик, виждонлилик каби эзгу ғоялар билан лиммо-лим. Асарда «Хамса» «достонларининг сюжет ва мотивларидан бевосита фойдаланилмайди, унинг (Навоийнинг – М.Х.) ва замондошларининг образлари махсус тасвирланмайли. Бироқ Навоий гуманизми ва маҳоратининг сайқаллашган олмос қирралари, барқарор миллий-халқчил форма компонентлари ўз акс садосини топади»<sup>30</sup>. Яъни Омон Матжон мутафаккир Навоий идеалларидан таъсирланиб, асарда шу идеалларни ўз услубида, оҳорли шаклда (сюжетда) талқин этади. Бунда у фақатгина шаклга, яъни ташқи сюжетга таяниб қолмайди, балки ички сюжетдан ўринли фойдаланиб кенг қамровли шоирона мушоҳада юритиб, қалбан ўзи яшаётган сиёсий тузумдан ташқарида ижод қилади. Зеро, «туйғуда, руҳда, кўнгил ва тафаккурда эркинликни қарор топтирмай туриб, Навоий асарларининг асл маъно-моҳиятини чақишга уриниш бефойда».<sup>31</sup>

«Минг бир ёғду» достонини нафақат шакл, балки ғоявий жиҳатдан ҳам тадқиқ этиш, ёшларга ўргатиш айниқса ҳар қачонгидан ҳам долзарб.

<sup>30</sup> Ёқубов Х. Ўша манба. 50-бет.

<sup>31</sup> Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. Т.: Фан, 2007, 4-б.